



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 6 февраль, № 26 (8921)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН – МАЛАЙЗИЯ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК ВА ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг таклифига биноан 4-5 февраль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Ўзбекистон ва Малайзияни тарихий дўстлик алоқалари мустаҳкам бoғлаб туради. Бу дўстлик эса ўзаро тенг манфаатлар, бир-бирига яқин маданий қадриятлар ва ўхшаш урф-одатлар асосига қурилгани билан аҳамиятли. Яқинда қайта кўриб чиқилган Ҳамма-и-Маданиятларнинг қўшма декларациясида, маданий-гуманитар ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

5 февраль куни Куала-Лумпур шаҳридаги «Пердана Путра» ҳукумат мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий қутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарини Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим қутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон Президенти фахрий қоровул сафи олдида ўтди. Шундан сўнг «Пердана Путра»

ҳукумат мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим тор доирада расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Малайзия Бош вазирига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, муваффақиятли амалга оширилаётган «Madani» давлат стратегиясининг юксак натижалари билан дилдан қутлади.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Малайзия Бош вазинининг ўтган йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган тарихий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга катта суръат бағишлагани таъкидланди.

Сийёсий мулоқот ва парламентлараро алоқалар фаоллашди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми,

қўшма корхоналар ва авиақатновлар сони ошмоқда.

Ўтган йили Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши самарали ўтказилди, Ишбилармонлар кенгаши тузилди, қатор йирик бизнес форумлари ташкил этилди.

Ташриф арафасида тахлилий марказлар учрашуви, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва маданий мероси тақдимотлари, етакчи олий таълим муассасалари ректорлари форуми ўтказилди.

Ҳамкорликни ривожлантириш ва олий даражадаги келишувлар ижросини самарали мувофиқлаштириш мақсадида Ташқи ишлар вазирларининг стратегик мулоқоти платформасини ташкил этишга қарор қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция

соҳаларидаги амалий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Товар айирбошлашни кўпайтириш мақсадида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, ўзаро саноат кўргазмаларини ўтказиш, Саноат кооперацияси дастурини қабул қилишга келишиб олинди.

Малайзия ҳукумати Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни фаол қўллаб-қувватламоқда.

Етакчилар 2025-2026 йилларни Ўзбекистон — Малайзия шериклигини инновацион ривожлантириш даври деб эълон қилишга келишиб олдилар.

Иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Булар — нефть-кимё ва кимё, электроника ва яримўтказгичлар саноати, инновацион саноат, «ақлли» қишлоқ хўжалиги, «яшил» энергетика, зиёрат туризми ва бошқалар.

Кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент вилоятида Малайзиянинг етакчи компанияси бошқарувида махсус иқтисодий зона ташкил этилмоқда.

Давлат раҳбарлари фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар. Жорий йилда Ўзбекистон ва Малайзияда маданият ҳафталиклари ўтказилди.

Етакчилар минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Терроризм, радикализм ва исломофобияга қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Музокаралар якунида эришилган келишувларни ўз вақтида ва сиёсатли амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни тайёрлашга қарор қилинди.

Яқунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг расмий ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим Стратегик шериклик йўлида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнот имзоладилар.

Шунингдек, қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди:

— Махсулотларнинг «ҳалол» стандартларига мувофиқлигини баҳолаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида битим;

— Олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Суд-экспертлик фаолияти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Академик-дипломатик ҳамкорлик тўғрисида битим;

— «Ақлли» шаҳарларни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— 2025-2026 йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги шерикликни чуқурлаштириш бўйича қўшма режа.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Ислом санъати музейига ташриф буюрди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мажмуа мамлакатнинг энг йирик музейларидан бири ҳисобланади. У 1998 йилда ташкил этилган.

Музей анъанавий ислом меъморчилиги услубида барпо этилган бўлиб, унинг умумий майдони 30 минг квадрат метрдан зиёдни ташкил этади.

Био гўмбазининг ички қисмини безаш ва реставрация ишларида ўзбекистонлик усталар иштирок этган.

Бу ерда 10 мингдан ортиқ ислом санъати намуналари сақланмоқда. Доимий экспозицияда Қўрьон қўлэмаларининг ноёб тўплами, сопол ва қимматбаҳо буюмлар, қурол-яроғ намуналари ва иншоотлар макетлари, тақинчоқлар, тангалар ва бошқа ашёлар намойиш этилмоқда.

Музей фондида замонавий Ўзбекистон ҳудудида турли тарихий даврларда яратилган 200 га яқин ноёб экспонатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар орасида ўрта асрларга оид қўлэмалар, заргарлик буюмлари, машҳур абр матолари ва кийим намуналари, Шарқ Ренессансига оид кулолчилик буюмлари мавжуд.

Давлатимиз раҳбари экспонатларни кўздан кечириш чоғида биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва

кўргазмалар ташкил этиш, илмий ва маданий алмашинуви кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим Куала-Лумпур шаҳрида қўшма бизнес форумида иштирок этдилар.

Тадбирда икки мамлакат етакчи компаниялари, инвестиция ва банк-молия институтларининг 200 дан зиёд раҳбарлари, жумладан, Малайзиянинг «Petronas», «MMC Corporation», «DRB-Hicom», «Gemilang Coachwork», «Proton», «Gentari», «Five Petroleum», «YTL Corporation», «Sunview Group», «KPJ Healthcare», «MK Tron», «Mimos», «Sparco Engineering», «Tradewinds Group», «Kapital DX», «Gamuda», «Westports», «Khasanah», «EXIM Bank of Malaysia» ва бошқа кўлаб компаниялари вакиллари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида олий даражадаги самарали музокараларда Ўзбекистон — Малайзия шериклигини инновацион ривожлантиришнинг икки йиллик даврини бошлаш бўйича келишувга эришилгани, амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинганини таъкидлади.

Ўтган йили Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши ташкил этилгани, икки мамлакат ишбилармонлари иштирокида қатор йирик тадбирлар ўтказилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатларимиз географик жиҳатдан бир-биридан олис бўлишига қарамай транспорт ва логистика имкониятлари кенгайиб бормоқда. Пойтахтлар ўртасида деярли ҳар кун тўғридан-тўғри авиақатновлар амалга оширилмоқда.

Бўлиб ўтган музокараларда мавжуд захиралар чуқур таҳлил қилиниб, кўп қиррали шерикликнинг янги «ўсиш нуқталари» белгилаб олинди.

Товар айирбошлаш ҳажмини каррасига ошириш, имтиёзли савдо тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, ўзаро кўргазма ва ярмаркалар ўтказиш бўйича келишувларга эришилди. Қўшма лойиҳаларнинг салмоқли портфели шакллантирилди, Саноат кооперацияси дастури ишлаб чиқилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Дунё нигоҳи

Хорижий экспертлар:

КЕЛИШУВ ВА ТАШАББУСЛАР ЎЗАРО АЛОҚАЛАР РИВОЖИГА МУСТАҲКАМ АСОС БЎЛАДИ

5 февраль куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Малайзияга икки кунлик расмий ташрифи якунланди.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим билан самарали музокаралар ўтказди, икки мамлакатнинг етакчи компаниялари, инвестиция ва банк-молия институтлари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида ўтказилган қўшма бизнес форумида иштирок этди.

Куала-Лумпурда бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар якунида Стратегик шериклик йўлида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёнот, шунингдек, туризм, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, божхона, суд-тиббиёт, коррупцияга қарши курашиш ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликка оид салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Хорижий экспертлар Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик фаоллашгани табиий жараён эканини, мазмундор ташриф дастури ва унинг натижалари шундан далолат беришини таъкидламоқда.



9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

НАВОИЙГА ЕТМОҚ БАХТИ

Буюк бобокалонимиз Амир Низомиддин Алишер Навоий ҳазратларининг бетимсол ижоди ул мўътабар зот ўзлари таърифлаганидек, дунё мамлакатларида забот этган чинакам умумбашари ижодиётдир. Ҳазрат бобомизнинг бой адабий мероси — юксак инсонпарварлик ғоялари, эзгулик ва дўстлик, бағрикенглик ва меҳр-мурувват сингари мангу мавзуларни тараннум қилиши билан оламшумул аҳамиятга молик. Девои ва достонлари вақт ҳамда макон танламайди, журғофий-чегаравий сарҳадларга бўйсунмайди.

“Лисон ут-тайр” достонида ўз асарларининг жаҳоншумул қўлам ва микёси ҳақида гапирар экан, шундай шеърый маълумотга гувоҳ бўламиз:

*Назму насрим, котиби тахминшунос
Ёсас, юз минг байт этар эрди қиёс.*

Бу ҳазилакам гап эмас — адо бўлмас адабий ҳазина, абадиятга қадар мўлжалланган маънавий қарвон.

Шу боис асарлари бутун олам аҳлига тааллуқли ва дахлдорлиги билан қадрлидир. Шеърят мулкнинг султони деган улуғ мартаба бобокалонимизга ғоят ярашган.

Номлари эллар ва тилларда достон, миннатдор авлодларнинг фахру ифтихори бўлиб кўнғилларга маърифат ва адабиёт

зиёсини таратмоқда, маънавият ва тарбияга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи чоғида кенг жамоатчилиги вакиллари билан учрашув пайти вилоятнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий соҳадаги, балки маънавий-маърифий юксалиш йўлидаги фаолияти ҳақида тўхталиб ўтиб, 2025 йилни вилоятда “Алишер Навоий йили”, деб эълон қилган эди. Бу таклиф ва ташаббус наинки биргина вилоят доирасида, балки мамлакатимиз кенг жамоатчилиги, олим шoirлар, маданият ва санъат намоёндалари, зиёлилар, қўни-қўшни республикалардаги маърифат аҳли томонидан катта қувонч, фахр ва миннатдорлик билан қутиб олинди.

Давлатимиз раҳбарининг эзгу ташаббусини ижтимоий-маънавий ҳаётимизга татбиқ этиш борасида қисқа даврда кенг қўламли чора-тадбирлар режаси тузилди, баҳариладиган ҳайрли ишлар дастури навбатма-навбат амалга оширилаётир. Муҳташам халқаро анжуманлар, назм ва наво кечаларию мушоиралар ҳам улуғ бобокалонимизнинг муборак номи, ўлмас хотирасига авлодлар эҳтиромининг самимий изҳоридир.

Кейинги кунларда пойтахтимиз Тошкент шаҳри марказида жойлашган Адиллар хиёбонида, бобомиз номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида, Навоий шохқўчасида, вилоятларда, бир томони Қозғистону Тожикистон, бу ёғи Болтиқбўйи, Беларусь диёри, нарёғи Москвадан тортиб Озарбайжону Токиогача, яна бир томони Туркиядан Мохаристонгача, Сеулдан Вашингтонга қадар, Ашхободдан то Шанхайгача бўлган чексиз-чегарасиз ҳудудлар — мамлакатлару шаҳру кентлардаги Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гуллар, гулдасталар қўйлади, бобокалонимизнинг муборак номи ва хотирасига халқаро миқёсда муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади.



ЎЗБЕКИСТОН – МАЛАЙЗИЯ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК ВА ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

«1» — Мақсадимиз — муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш, — деди Президент.

Малайзия Ўзбекистоннинг муҳим инновацион ва технологик ҳамкоридир. Шу маънода, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Малайзия ишбилармонлик ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг қатор устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Бу, энг аввало, электроника ва яримўтказгичлар sanoatida узоқ муддатли ҳамкорликини кенгайтиришдир. Сунъий интеллект, рақамли технологиялар, маълумот марказлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлиги қайд этилди.

Газ-кимё ва кимё sanoati муҳим йўналиш ҳисобланади. Полимерлар, «яшил» водород ва аммиак ишлаб чиқариш бўйича стратегик лойиҳаларни тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

Қурилиш соҳасининг жадал ривожланиши инновацион ва экологик тоза қурилиш материалларига талабни оширмоқда. Ўзбекистон Президенти Малайзия компанияларини мамлакатимиз ҳудудларида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва кенг қўлмали бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишга чақирди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари қайд этилди. Замонавий

клиникалар қуриш, Малайзиянинг илғор тажрибаси асосида инновацион фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш шулар жумласидан.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилди. Шу нуктаи назардан, «акли» қишлоқ ҳўжалиги технологияларини жорий этиш, органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва «ҳалол» стандартларини қўллаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдорлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Малайзиянинг етакчи компания ва банкларини Ўзбекистоннинг телекоммуникация, энергетика, банк-молия ва бошқа соҳалардаги давлат активларини

хусусийлаштиришда фаол иштирок этишга таклиф этди.

Бундан ташқари, геология, таълим, транспорт, зиёрат туризми каби йўналишларда ҳамкорлик қилиш учун катта салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси малайзиялик ишбилармонларнинг қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қизиқиши катта эканини, улар технологиялар ва билимлар билан ўртоқлашишга тайёрлигини мамнуниёт билан қайд этди.

Шу муносабат билан Тошкент вилоятида Малайзия компанияси бошқарувида махсус иқтисодий зона ташкил этилиши маълум қилинди.

Сўзининг якунида давлатимиз

раҳбари навбатдаги қўшма бизнес форумини шу йил кузда Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этди.

Куала-Лумпур шаҳридаги ишбилармонлик дастурининг давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим «Petronas» корпорациясининг бош қароргоҳи — «Twin Towers» биносига ташриф буюриб, компания президенти Мухаммад Тавфиқ билан учрашув ўтказди.

Нефть-газ, нефть-кимё ва қайта тикланувчи энергетика соҳаларида етакчилардан бири бўлган ушбу глобал компания билан ўзаро манфаатли ҳамкорликини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари хомашени чуқур қайта ишлаш ва «яшил» энергетика лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги истиқболли режаларни қўллаб-қувватлади.

Геология-қидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли углеводород конларини ўзлаштириш, карбонат ангидрид газини ушлаб қолиш ва сақлаш бўйича илғор технологияларни жорий этиш, «Petronas» университети негизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш устувор вазифалар сифатида қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Малайзияга расмий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Хорижий экспертлар:

КЕЛИШУВ ВА ТАШАББУСЛАР ЎЗАРО АЛОҚАЛАР РИВОЖИГА МУСТАҲКАМ АСОС БЎЛАДИ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

«1» **Хесус ХИЛ, Мадрид автоном университетининг Осиё тадқиқотлари маркази профессори, Испания шарқшунослар уюмси бош котиви, туркшунос:**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Куала-Лумпурга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги стратегик шериклигини мустаҳкамлаш, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликини кенгайтиришга интилишининг муҳим босқичидир.



Ўзбекистон ва Малайзия географик жиҳатдан бир-биридан узоқда бўлишига қарамай, уларни нафақат умумий маданий-тарихий ришталар, балки стратегик устуворликларнинг ўхшашлиги ҳам бирлаштиради. Иқтисодиётни модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш, барқарор энергетикани ривожлантириш ва халқаро савдо ҳамкорлигини кенгайтириш каби йўналишлар шулар жумласидандир. Умумий қиймати 3 млрд. доллардан ортиқ инвестициявий шартномалар имзолангани ҳамкорлиқнинг иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётганидан далолатдир.

Ташриф, шунингдек, барқарор ривожланиш ва минтақавий ҳамкорлик муҳимлигини таъкидлайди. Ўзбекистон ва Малайзия «яшил» энергия ҳамда экотуризм соҳасидаги қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташаббусларига содиқлигини амлақачон намойиш этмоқда. Ислом банк иши ва «ҳалол» стандартларига ўтish соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳам Ўзбекистоннинг жаҳон ислом молиявий тузилмаларига интеграциялашуви истиқболларини очади.

Албатта, келишув ва ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилиши икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада яқинлаштириш учун мустаҳкам асос бўлади.

Лю СЮЙ, Жэньминь университети қошидаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича марказ директори ўринбосари (Хитой):

— Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи доирасида Малайзиянинг етакчи

компаниялари вакиллари билан учрашув, икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес форуми ташкил этилди. Бу Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларини мустаҳкамлаш, мамлакат иқтисодиётига Малайзия сармоясини жалб қилиш тарафдори эканини тасдиқлайди.

Учрашувлар чоғида товар айирбошлаш ҳажмини ошириш мақсадида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, ўзаро sanoat кўргазмаларини ўтказиш, Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш бўйича келишувга эришилди.

Давлат раҳбарлари 2025-2026 йиллари Ўзбекистон — Малайзия шериклигини инновацион ривожлантириш даври деб эълон қилишга келишиб олгани эътиборга лойиқ. Томонлар иқтисодий ҳамкорлик бўйича янги моделнинг устувор йўналишлари сифатида нефть-кимё, электроника ва яримўтказгич sanoati, инновацион sanoat, «акли» қишлоқ ҳўжалиги, «яшил» энергия, зиёрат туризми ва бошқаларни белгилаб олдилар.

Шубҳасиз, Малайзиянинг иқтисодий ривожланиш ва сармояларни жалб қилиш борасидаги тажрибасини ҳисобга олсак, ушбу мақсадларга эришишда малай томони билан муваффақиятли ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Ташриф икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бағишлаши, икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши муқаррар.

Далия ОЛТУНТЕПЕ, Ўзбекистон — Нидерландия дўстлик жамғармаси расмис:



— Ушбу ташриф арафасида 3 февраль кун

киллари туризм соҳасида яқин ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилди. Форум сайёҳлик соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва Президент ташрифи чоғида мустаҳкамланадиган кейинги ташаббусларни тайёрлашда муҳим платформа бўлди.

Туризм — бу ҳамкорлиқнинг асосий устунларидан бири. Визасиз режимнинг жорий этилиши икки давлат ўртасида ташриф буюрувчилар сонини сезиларли даражада оширди. Ўзбекистоннинг исломий мероси ва қадимий обидалари мамлакатни малайзиялик саёҳатчилар учун, айниқса, жозибадор қилади.

Яна бир муҳим омил — Малайзиянинг мусулмон дунёси билан яқин алоқалари. Мамлакат исломий туризм соҳасида катта тажрибага эга бўлиб, бу Ўзбекистонда зиёрат туризмини янада ривожлантиришда намуна бўла олади. Тарихда ислом маданияти марказлари сифатида танилган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарлари мусулмонларга йўналтирилган инфратузилмани ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга.

Келажақ учун истиқболли концепция иккала йўналишни бирлаштирган сайёҳлик пакетларининг жорий этилиши бўлиши мумкин. Бундан ташқари, маданий-маърифий, туризм бўйича талабалар учун дастурлар ва қўшма таълим ташаббусларини амалда қўллаш истиқболли ҳисобланади.

Жираюд СИНТУПХАН, Чуалонгкорн университети ҳузурдаги Жанубий Осиё тадқиқотлари маркази директори, профессор (Таиланд):

— Саммит Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ўртасидаги дипломатик муносабатларда бурилиш даври бўлди. Таиланддаги манфаатдор томонлар сиёсий ва иқтисодий конструктив шериклик имкониятларидан мамнун ва келажақдаги ҳамкорликка умид қилмоқда.

Мен Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиёни, айниқса, мусулмон жамоаларини боғлайдиган тарихий ва маданий алоқаларни тан оламан. Олий таълимда, айниқса, исломшунослик ва маданий алмашинув йўналишларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари фаол давом эттирилиши керак бўлган истиқболли жабҳалардир. Маданий алмашинув муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у халқларимиз ўртасида кўприк вазифасини бажаради ва умумий меросни чуқурроқ англашга қўмаклашади. Маданий ташаббуслар билан биргаликда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилиши ҳар икки жамятнинг бойитибгина қолмай, балки умумий шерикликини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу ҳамкорлик нафақат иқтисодий манфаатларни, балки маданият ва таълим соҳаларидаги алоқаларни ҳам қамраб олувчи янада чуқурроқ муносабатларга мустаҳкам асос бўлади. Ўйлаيمанки, ушбу ришталарни ривожлантириш Ўзбекистонга ҳам, Малайзияга ҳам, Таиландга ҳам келгусида манфаат келтирадиган кучли шерикликка пойдевор яратади.

Марс САРИЕВ, сиёсатшунос (Қирғизистон):



— Ўзбекистон, жаҳон рейтингидида қайд этилганидек, Марказий Осиёда энг жадал ривожланаётган давлат ва айтиш мумкин, минтақанин

иқтисодий «йўлбарси» ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Осиё «йўлбарси» дея эътироф этиладиган Малайзияга ташриф буюргани эса жуда мантиқий туюлмоқда.

Шу боис фикр-мулоҳазалар, тажриба ва мутахассислар алмашинуви, иқтисодий инновацион ташаббуслар муҳим аҳамиятга эга. Ўйлаиманки, бу тажриба алмашинуви ҳар икки мамлакат иқтисодиёти ривожига янада туртки беради.

Маълумки, дунёда глобал динамика ўзгармоқда ва Осиё — Тинч океани минтақаси мамлакатлари иқтисодий юксалиши боддан ўтказаяпти. Шу боис менимча, бу тасодифий ташриф эмас ва унинг давомида имзоланган салмоқли ҳужжатлар тўплами ҳам Ўзбекистон, ҳам Малайзия тараққиётини янги босқич кўтаришга хизмат қилади.

Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академияси Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ходими:

— Ўзгариб бораётган дунёнинг бугунги мураккаб шароитларида Ўзбекистон ва Малайзия етакчилари ўз давлатларининг ривожланиш истиқболлари ҳақида аниқ тасаввурга эга. Шунингдек, ушбу мамлакатларда амалга оширилаётган «Ўзбекистон — 2030» ва «Малайзия Мадани» стратегик дастурларининг мақсад ва вазифалари ўхшашдир. Манфаатларнинг бир-бирига яқинлиги ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболлари учун ишончли замин яратмоқда.

Икки давлат етакчилари ўзаро муносабатларнинг ривожланиши Марказий Осиё ва АСЕАН минтақалари ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш учун ҳам янги имконият ва истиқболларни очиб беришини яхши тушунади. «Марказий Осиё — АСЕАН» форматидида ташқи ишлар вазирлар даражасидаги мулоқот платформасини яратиш каби истиқболли режалар Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг 2024 йилда Ўзбекистонга ташрифи чоғида ҳам муҳокама қилинган эди.

Январь ойида ўтказилган «Мулоқотдан — ҳаракат сари: Ўзбекистон ва Малайзия стратегик ҳамкорлик йўлида» мавзусидаги етакчи таҳлил марказлари ва тадқиқот тузилмалари вакиллари иштирокидаги давра суҳбати, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ва маданий мероси тақдими, икки мамлакат етакчи университетлари ректорлари форуми ва бошқа тадбирлар икки томонлама муносабатлар яқин келажақда стратегик даражасига чиқишидан гувоҳлик бермоқда.

«Дунё» АА.

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАРГА БОЙ ТАШРИФ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Малайзияга расмий ташрифи муҳим воқелик бўлиб, Ўзбекистон ва ушбу мамлакат ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг янги уфқларини намён этмоқда.

Ташриф доирасида Ўзбекистон — Малайзия ҳамкорлигининг деярли барча йўналишини қамраб олган Стратегик шериклик йўлида икки томонлама ҳамкорлиқни чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнот имзолангани икки мамлакат етакчилари иштирокида ўтказилган музокаралар самарали ва амалий ўтганидан далолатдир.

Муносабат

Кези келганда таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг юксак сиёсий иродаси билан Жануби-Шарқий Осиёдаги иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардан бири бўлган Малайзия билан муносабатларимиз кўлами ва сифати янги босқичга кўтарилди. Пировардида давлатлараро сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқалар фаоллашди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар ва авиақатновлар сони ошмоқда. Ишбилармонлар кенгаши тузилиб, қатор йирик бизнес форумлари ўтказилиши яхши аънавага айланди. Қолаверса, ташриф арафасида таҳлилий марказлар учрашуви, юртимизнинг туризм салоҳияти ва маданий мероси тақдиротлари, етакчи олий таълим муассасалари ректорлари форуми ўтказилгани кўп қиррали ҳамкорлик янада кенгайиб бораётганини англатади.

Эътиборлиси, ташриф давомида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, ўзаро sanoat кўргазмаларини ўтказиш, Саноат кооперацияси дастурини қабул қилишга келишиб олганини ишбилармон доиралар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилишига ва ҳудудларимизда иш ўринлари кўпайиб боришига хизмат қилди, деб ҳисоблаймиз.

Шуни таъкидлаш керакки, олий даражадаги мулоқотларнинг фаоллашуви нафақат сиёсий позицияларни мустаҳкамлашга, балки халқларимиз ўртасида тажриба ва билим алмашуви имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги кенг қамровли муносабатларни янада яхшилаш учун барча имконият ва салоҳиятга эгамиз. Жумладан, мамлакатлараро алоқалар кўлами ва самарадорлигини кенгайтиришда парламентнинг роли ва ўрнини янада ошириш, шу йўналишдаги мулоқотларни кўпайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Аввало, биз, депутатлик корпуси вакиллари парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар амалиётга муваффақиятли татбиқ этилишини таъминлашимиз ҳамда қонун ижодкорлиги, парламент назорати фаолияти борасида тўплаган тажрибаларимиз билан бўлишимиз лозим. Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ташрифларни янада фаоллаштириб, дўстлик гуруҳларининг ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш орқали умумий муаммоларга биргаликда ечим топишга интилишимиз зарур.

Бинобарин икки мамлакат парламентлари ўртасидаги мулоқот самарали йўлга қўйилган. Хусусан, 2020 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Малайзия парламенти Вакиллар па-

латаси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи ташкил этилган парламентлар спикерлари, қўмиталар аъзолари ва девон ходимларидан ташкил топган делегациялар алмашинуви самарали амалга оширилмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида ўтказилган ўнга яқин учрашуви ва мулоқотларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва парламентлараро муносабатларнинг ҳолати ҳамда истиқболлари, қонунчилик ҳужжатлари, ахборот-таҳлилий маълумотлар доимий асосда муҳокама қилинмоқда.

Қайд этиш лозимки, ташриф доирасида имзоланган Олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим ҳар икки мамлакат манфаати учун ишлагга қодир малакали мутахассисларни тайёрлашга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат сифатида намён бўлишига умид катта.

Олий таълим тизимини ривожлантириш борасида Малайзиядек ривожланган давлатдан ўрганадиган жиҳатлар етарлиқ. Хусусан, бутун дунё мамлакатларидаги билимни ёшларни жалб қила оладиган мутахассислардош ўқув дастурлари ва мақбул нархлардаги ўқитиш тизими Малайзия олий таълими жозибадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Янги технологиялар ва замонавий ўқитиш усуллари ривожлангани ҳамда жаҳоннинг етакчи таълим муассасалари билан фаол шериклик ўрнатилиши натижасида мамлакатдаги Малайя, Путра университетлари сингари қатор олий таълим муассасалари халқаро университетлар рейтингига юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Шу боис икки томонлама ҳамкорлик доирасида талабалар алмашинуви, қўшма ўқув дастурлари ва илмий тадқиқотлар ўтказилишига оид лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдормиз.

Бизнинг партиямиз таълимга йўналтирилган инвестициялар ва ҳамкорлик келажакини ривожлантиришга хизмат қилишига ишонади. Биз ўқитувчилар малакасини ошириш, қўшма ўқув дастурлари ва алмашинув дастурларини ишлаб чиқишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз. Ташриф доирасида эришилган келишувлар эса ёшларимизнинг билим ва малакаси, дунёқарабини кенгайтиришга қўшма замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим ўртасидаги муваффақиятли музокаралар ҳамда имзоланган ҳужжатлар муносабатларимизни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонамиз ҳамда биз, халқ вакиллари сифатида ушбу жараёнда фаол иштирок этамиз.

Улугбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари.

Ҳиндистон компанияси Ўзбекистонда сунъий интеллект асосланган биринчи йирик маълумотлар марказини барпо этади.

Қонунлар ижроси:

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг ҳудудларда маҳаллий Кенгаш депутатлари, “маҳалла еттилиги” ва аҳоли билан учрашувлари давом этмоқда.

Сенатор ва ҳаёт

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурхонов иштирокида Андижон вилоятининг туман ва шаҳарларида учрашувлар ўтказилмоқда.

Вилоят ҳокимлигида халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган қонунлар ҳалқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Қатор қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳусусида сўз юритилди.

Жумладан, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунга асосан маҳаллий ҳамда хорижий инвесторларга “Ягона дарча” тизими орқали ваколатли давлат органига инвестиция тақлифлари билан мурожаат қилиш имконияти яратилди. Адолатли ва тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминллари белгилан қўйилди.

Иштирокчилар янги қонунлар мазмун-моҳияти ва бошқа масалалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди. Мазкур йўналишдаги ишларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Б. Абдуллаев ҳамда сенатор Р. Холмуродов Жомбой туманида бўлди. Дастлаб халқ депутатлари Жомбой тумани Кенгаши фаолияти ва бу ердаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

Депутатлар ва доимий комиссия

раислари иштирокидаги йиғилишда амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, қонун ва қарорлар ижроси устидан депутатлар назоратининг муҳимлиги таъкидланди.

Сенаторлар ва депутатлар Алишер Навоий номидаги маҳалла ва “маҳалла еттилиги” фаолияти, аҳоли билан ишлаш жараёни, яратилган шароитлар ва амалга оширилаётган ишлар билан ҳам танишди. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Худудларни ривожлантириш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва сенаторларнинг “маҳалла еттилиги” билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти бўйича батафсил тушунтириш берилди.

Камбағалликни қисқартириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, тўй маросимларида ортиқча дабдабага йўл қўймаслик, таълимга эътиборни кучайтириш, хотин-қизларни ўқитиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Сенаторлар тумандаги “Боғбон” агрокомплексидида ташкил этилган “In vitro” лабораторияси фаолияти билан ҳам танишди. Улар лаборатория фаолиятини кенгайтириш, янги агролойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда турли агронтенсив боғлар яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан ўз тавсияларини берди.

Катта қишлоқ маҳалласида жойлашган “Амин инвест” корхонасидаги иш жараёнлари, меҳнат шароитлари, янги иш ўринлари яратиш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам эътибордан четда қолмади.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таъ-

лим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова иштирокида пойтахтдаги халқ депутатлари Чилонзор ва Олмазор туманлари Кенгашларининг фаолияти таҳлил қилинди.

Ўрганишлар давомида маҳаллий Кенгашлар самарадорлигини ошириш, қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлигини таъминлаш ва доимий комиссияларнинг ролини кучайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Депутатларнинг “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорлиги ҳамда туманларнинг 2025 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ижросини назорат қилиш масалалари муҳокама этилди. Якунда бу борада аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова ҳам ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Сенатор халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгашида намунали Кенгаш фаолиятини ташкил этиш, депутатлар ва фуқароларга қулайлик яратиш ишлари билан танишиб, Кенгаш котибияти фаолияти, доимий комиссияларнинг иш юритишига қўмаклашиш, депутатлик сўровлари ва уларга берилаётган жавоблар бўйича ўз тавсияларини бериб ўтди.

Шаҳардаги Бурхониддин Марғинович, Бахрин маҳаллаларида “маҳалла еттилиги” — Кенгаш — Сенат” уч бўғинли ҳамкорлик тизимини ташкил этиш бўйича қилинган ишлар билан танишиб, фаолларнинг тегишли вазибаларига эътибор қаратди.

Бундай учрашувлар маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва ҳудудларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлмоқда.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатасида

ҲАЙВОНЛАРНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси ҳамда Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси ҳамкорлигида “Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг долзарб аҳамияти” мавзусида семинар ўтказилди.

Депутатлар, соҳа мутахассислари, халқаро экспертлар, журналистлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда чорва моллари ва паррандалар бош сонини янада кўпайтириш, ветеринария назоратини кучайтириш, хизматлар сифатини ошириш, ҳайвонларнинг соғлигини ҳимоя қилишни самарали ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишга тайёрланётган мазкур қонун лойиҳасида чорва ҳайвонларини идентификация қилиш бўйича ягона давлат сиёса-

тини юритиш, ҳайвонларда юқумли касалликларнинг олдини олиш, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш масалалари назарда тутилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, ҳайвонларнинг ҳисобини юритиш, уларнинг насли ва соғлиги тўғрисидаги маълумотларни электрон тизимда жамлаш назарда тутилмоқда. Соҳага масъул бўлган органларнинг ваколатлари, ҳайвонларни идентификация қилувчи, рўйхатга олувчи, кузатувчи мутахассисларнинг ҳамда ҳайвон

эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилляпти. Ўз ўрнида ҳайвон эгаларининг манфаатдорлиги ва масъулияти оширилмоқда.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлида фаол сиёсат олиб бораётганига тўхталиб, ушбу ҳужжатда белгиланаётган нормалар ҳам ЖСТ битимларига мувофиқ эканлигини таъкидлашди. Уларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши чорва ҳайвонларини идентификациялаш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ташқи ва ички бозорларни сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлаш, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишининг олдини олишга хизмат қилади.

Иштирокчилар томонидан берилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАР ИЖРОСИ ҚАЙ ҲОЛАТДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг “2024 йил учун Давлат бюджетни маблагларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари ижроси тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Маълум қилинганидек, ҳар йилги Давлат бюджетининг мақсадли сарфланиши бўйича экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам тизимли ишлар рўйбга чиқарилмоқда. Хусусан, ўтган йили чўл, тоғли ва тоғолди ҳудудларда чўлланиш ва қум кўчиши, тупроқ эрозиясининг олдини олиш ҳамда экологик

муҳитни яхшилаш мақсадида 1 минг 887 гектар ҳимоя ўрмонлари (иҳота) барпо этилган.

Шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирларни амалга ошириш учун 100 млрд. сўм маблаг ажратилган. Ушбу маблагларнинг 52 млрд. сўми “Очиқ бюджет” портали орқали “Менин боғим” лойиҳасини молиялаштиришга, 48 млрд. сўми бошқа қўламазорлаштириш тадбирлари учун йўналтирилган. Мазкур маблаглар ҳисобидан республиканинг 208 та туманида “Менин боғим” лойиҳаси доирасида яшил боғ ва яшил жа-

моат парклари барпо этилмоқда. Шу кунгача 445 гектар майдонда яшил боғлар ва қўламазорлаштириш тадбирлари амалга оширилган.

Муҳокама давомида эришилган ижобий натижалар билан бирга, Давлат бюджетидан мақсадли индикаторлар учун ажратилган маблагларнинг тўлиқ ўзлаштирилмагани депутатлар эътирозига сабаб бўлди.

Шу билан бирга, депутатлар йўналтирилаётган бюджет маблагларидан мақсадли ва самарали фойдаланган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг ижросини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш бўйича қатор таклифлар бердилар.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ОРҚАЛИ КЕЛАЖАККА ЙЎЛ

Бугун ҳаёт жадал ривожланаётган, тобора ўзгариб бораётган бир пайтда Ўзбекистон ҳар қачонгидан ҳам илғор ғоялар, инновацион ечимлар ва глобал илмий алоқаларга эҳтиёж сезаётгани аини ҳақиқат. Шу маънода юртимиз тараққиётида академиклар, илм-фан намояндалари, олимларнинг ўрни янада ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси ўзининг кўп йиллик илмий мероси ва бой салоҳиятига эга бўлиб, мамлакатимиз олдида турган турли муаммоларнинг олдини олиш, ечимини излаш ва топишга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Нуктаи назар

Илм нафақат асрлар давомида тўлланган билим, балки эртанги нурафшон ва бахтиёр кунларнинг ҳам калитидир. Академиямиз давлатимиз раҳбарининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши сабаб кейинги йилларда янги ҳаёт ва даврга қадам қўйди. Бу эса янги Ўзбекистондаги энг муҳим воқеалик бўлди, десак, адашмаймиз.

Дарҳақиқат, академияда айтишга арзғуилик, муҳим муваффақиятларга эришилмоқда. Хусусан, 35 ёшгача бўлган ёш олимлар сони уч баробар, магистратура талабалари сони эса икки ярим баробар ошди. Шунингдек, халқаро илмий журналлардаги нашрлар сони тўрт баробар кўпайгани ҳам қувонарли ҳолат. Академиянинг математика, ядро физикаси, геномика, биотехнология, сейсмик мониторинг, археология ва тарих соҳаларидаги ютуқлари халқаро миқёсда тан олиниб, эътирофга сазовор бўлаётгани ҳам юқоридаги сўзимизнинг яққол исботи.

Бироқ ютуқларимиз қанчалик кўп бўлишига қарамай, олдимизда турган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, муассасалар ўртасида аниқ мувофиқлаштириш йўқлиги, инфратузилманинг эскиргани, ёш кадрлар етишмаслиги — буларнинг барчаси илм-фан имкониятларини тўла-тўқис намоён этишга тўсқинлик қилмоқда.

Яна бир жиҳат: бугунги кунда Фанлар академияси тизимида барча илмий ташкилотни қўшиб ҳисоблаганда 2600 нафарга яқин тадқиқотчилар фаолият юритмоқда. Бу жуда кам. Ривожланган давлатлардаги баъзи бир институтларда бундан кўп илм аҳли тўпланган. Масалан, Германиянинг Макс Планк жамиятида 23 425 нафар ҳодим илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланади. Хусусан, ўзим



бир пайтлар ишлаган Лос-Анжелесдаги Калифорния университетининг биргина бўлимида 10 мингдан ортққ ўқитувчи ва тадқиқотчилар илмий изланиш олиб борарди. Демак, аъзоларимиз сонини сифатни туширмаган ҳолда кўпайтириш ҳам галдаги муҳим вазифаларимиздан биридир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида иқтисодиёт ва ижтимоий тармоқлар олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ Фанлар академиясининг 2030 йилгача бўлган стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, унда академия илм-фанимиз олдида турган долзарб саволларига жавоб топиш билан бирга жаҳон илмий майдонида ўз ўрнини яратишни ҳам мақсад қилган.

Стратегия иккита асосий йўналишни ўз ичига олган бўлиб, биринчи ва асосий йўналиш — Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси олдида турган долзарб муаммоларни ҳал қилишда илмий ёндашувларимиз билан фаол қатнашиш. Ҳозирда мамлакат ва минтақанинг долзарб муаммолари ҳамда эҳтиёжларини акс эттирувчи 15 та устувор йўналиш танланган. Бу йўналишлар — биотехнология, тупроқ шўрланишига қарши курашиш, “ақлли” материалларни ишлаб чиқиш, “яшил” технологиялар ва қайта тикланувчи энергия тарғиботи, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ядро технологияларини ривожлантириш, сейсмик хавфсизликни ошириш, сунъий интеллект ва катта маълумотларни қўллаш, рақамли табиат дастури,

ландшафт археологияси ва миллий тарихни ўрганиш ва бошқалардир.

Ушбу устувор йўналишларнинг ҳар бири Ўзбекистон олдида турган муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, аини пайтда мамлакатимизнинг халқаро илмий ҳамжамиятдаги мавқеини ҳам янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Илм-фан ҳар бир мамлакат аҳолиси учун тушунарли бўлган, ҳаётига ижобийлик олиб кирадиган ҳақиқий натижаларни бериши муҳим. Биз Ўзбекистон келажаги учун ишлайдиган замонавий, жадал илмий тузилма яратишни мақсад қилганмиз. Фанлар академияси нафақат илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, балки мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ҳаётини янада фаровон қилиш вазифасини ҳам зиммасига олган. Бу масъулиятли вазифалигини дилдан ҳис этамиз, аммо олимларнинг фидойий меҳнатини, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлаш бўлмаса, унга эришиш мушкул бўлиб қолади.

Иккинчи йўналиш — халқаро ҳамкорлик. Яъни Ўзбекистон глобал илмий жараёндан четда қололмайди ва бизнинг яна бир мақсадимиз — ўзбек илм-фанини дунёга танитиш, уни рақобатбардор қилишдир. Олимларимиз нафақат нуфузли журналларда ўз асарларини чоп этишлари, балки глобал тадқиқот консорциумларига аъзо бўлиши, дунёнинг етакчи олимлари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориши учун халқаро ришталарни мустаҳкамлаши даркор.

Ёш тадқиқотчиларимиз билан ўз тажрибасини ўртоқлаша оладиган хорижий мутахассисларни жалб этиш, халқаро илмий лойиҳалар ва лабораториялар яратишга алоҳида эътибор қаратиш ҳам муҳим, албатта. Биз Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини халқаро миқёсда намоён қилишимиз, мамлакатимизнинг муҳим ҳамкор мақомини таъминлашга интилишимиз зарур.

Ривожланиш стратегиямиз ўзбек илм-фани равангаи йўлидаги асосий тамойил ва йўналишларга асосланган бўлиб, улардан бири — инфратузилмани модернизация қилиш. Яъни академия лаборатория ва институтларини модернизациялаш, қўшимча жиҳоз-

лаш, олимларга илғор тадқиқот усулларидан фойдаланиш имконини яратишдан иборат. Шунингдек, биотехнология ва “яшил” технологиялардан тортиб сунъий интеллектга бўлган асосий йўналишларда малака марказларини яратиш ҳам асосий вазифаларимиздандир.

Аёнки, илм-фанга янги ғоя ва ёш истеъдодлар керак. Биз ёш олимларни тайёрлаш, ихтидорли талабалар, аспирантлар ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли дастурларни йўлга қўйишни ният қилганмиз. Яъни академия ёш тадқиқотчилар устозлар топадиган, энг замонавий билим ва усуллардан фойдалана оладиган платформага айланиши керак.

Бугунги кунда академиянинг илмий кашфиёти ва ишланмалари реал иқтисодиётда ўз таъбиқини топиши зарур. Бу йўлда технологиялар трансферини ривожлантиришга қўмаклашиш, стартаплар яратишни қўллаб-қувватлаш ва илм-фан ҳақиқатан ҳам мамлакат иқтисодиёти учун ишлаши йўлида хусусий сектор билан яқиндан ҳамкорлик қилишни режалаштирганмиз.

Албатта, илм-фанни жамиятда оммалаштириш, унинг аҳамияти ва муҳимлигини халқимизга тушунтириш ҳам долзарб вазифа. Яъни Ўзбекистон ёшлари олим бўлишни орзу қилишсин ва ўз келажagini шу йўлда қўра олишсин.

Режаларимиз кўп. Хусусан, академия институтлари ҳодимлари сонини 50 фоизга, илмий нашрларни ҳар йили 15 фоизга, грант маблагларини ҳар уч йилда 20 фоизга, патентлар сонини ҳар йили 10 фоизга ошириш, ҳар йили каммида 10 та янги халқаро ҳамкорни жалб қилиш ва аспирантлар сонини 100 кишига кўпайтириш шулар жумласидан.

Биз Ўзбекистон келажаги учун самара берадиган замонавий, жадал илмий тузилма фаолиятини мустаҳкам йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Бу эса улкан ва машаққатли вазифа. Бироқ биз унинг масъулияти ва аҳамиятини чуқур англаб, эзгу мақсадларимизни рўйбга чиқаришга собитлик билан интиламиз.

Шоҳло ТУРДИҚУЛОВА, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти.

Маҳаллий Кенгашларда

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ҲАМОҲАНГ ЛОЙИҲА

Иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, қазилма ёқилгиларининг беҳисоб ишлатилиши, табиат ва инсон ўртасидаги мутаносибликка путур етгани Ер юзида қўллаб глобал муаммоларни келтириб чиқарди. Дейлик, юртимизда юз берган Орол фожиаси экологик муаммоларнинг оқибатини бошқаларга қараганда чуқурроқ ҳис қилишимизга сабаб бўлди.

Эндиликда дунёнинг етакчи ривожланган давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам келгуси тараққиётимиз атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиётни узвий ривожлантириш билан ҳамоҳанг ҳолда қўрилмоқда. Аслида “табиат билан ҳамоҳанг яшаш” деган тушунча асрлар давомида халқимизнинг яшаш тарзи асосида шаклланган менталитети ва дунёқарашида азалдан муҳим ўрин тутиб келган. Бу сув ва ерга бўлган муносабатда, боғ яратишга бўлган хайрли ишларда ҳам кўзга яққол ташланади.

Шу сабабли кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан бу борада бир қатор хайрли сазъ-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Жумладан, бундан уч йил аввал “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига старт берилди. Ёлнинг дилидан жой олган мазкур ташаббус кўп ўтмай умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди.

Жиззах вилоятида ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтган йилда 16 миллион 468 минг туп мевали ва манзарали даррахт кўчати экиш режалаштирилган эди. Баҳор мавсумида 10 миллион 600 минг туп, кузги кўчат экиш мавсумида эса 6 миллион 668 минг туп манзарали даррахт ва бута кўчатлари экилди. Ўзтиборлиси, ушбу жараёнда кўпчилик ихтиёрий равишда фаол иштирок этди.

Ҳозирги пайтда “Яшил белбоғ”лар барпо қилиш майдонларининг “Google” харитада жойлашув схемалари тайёрланиб, “Яшил лойиҳа” лойиҳалаштириш институти томонидан смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Уларни ишлаб чиқишда ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган даррахт ва буталар турларини танлаб олишга алоҳида эътибор қаратилгани эътиборга молик.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мушоҳада юритиб кўрилса, “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт” деган тушунчанинг камрови анчагина кенг экани маълум

бўлади. Масалан, биргина сувга муносабатни кескин ўзгартириш ҳам ушбу тушунчанинг узвий қисми ҳисобланади. Шу боис сувни тежаш, мавжуд ариқ ва каналларни бетонлаш, минигидроэлектр станциялар қуриш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бири, десак, адашмаган бўламиз.

Юртимизда умумий узунлиги 127 минг километр бўлган 430 тадан ортиқ каттаю кичик дарёлар мавжуд. Улар аҳоли ва экан майдонларини обихаёт билан таъминлаш бораборида электр энергиясини ҳосил қилишда ҳам беминнат манба ҳисобланади. Агар мавжуд сув ўзланлари ва каналлар бетон билан қопланса, сув оқими тезлашади. Сув оқими тезлашгани кўпроқ электр энергия ишлаб чиқариш имконини беради. Асосийси, бу жараён атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ихчам гидроэлектр станциялар нисбатан арзон электр энергияси ишлаб чиқаришда жуда қўл келади. Айни пайтда вилоятимизда хусусий инвесторларга қуввати 500 кВтгача бўлган микрогидроэлектр станцияларни қуриш учун Пахтакор, Зафаробод, Бахмал туманларида қатор лойиҳалар таклиф этилган.

Кенг жамоатчилик томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланган ташаббуслар умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди ва кутилган натижаларни бераётир. Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан илгари сурилган атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиётни драйвер соҳага айлантириш борасидаги хайрли ташаббуслар ҳам албатта ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Чунки бу орқали инсон ва табиат мувозанати таъминланади.

Эркин ХОЛМАТОВ, Жиззах вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиги, халқ депутатлари вилояти Кенгаши депутати.

